

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ТИЗИМИ: ЮТУҚЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Баходир БЕГАЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Раиси, и.ф.д., профессор



Мамлакатимиз тараққиётининг замонавий босқичида миллий статистика соҳасини ислоҳ қилиш, халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибаларни амалиётга кенг жорий этиш, асосийси, статистик маълумотларнинг ишончилиги, шаффофлиги ва очиқлигини таъминлашга устувор эътибор қаратилмоқда. Бунинг амалий натижалари эса кенг жамоатчилик, шу жумладан, халқаро статистика ҳамжамияти ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётгани айни ҳақиқатдир.

Ҳар қандай тизимнинг фаолият самарадорлиги бевосита унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари қай даражада мукамаллигига боғлиқ бўлади. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонуни салкам 19 йил аввал, 2002 йилда қабул қилинган бўлиб, таҳлиллар унинг бугунги кун талабига ва халқаро тавсияларга тўлиқ мос келмаслигини кўрсатмоқда. Шунга кўра Ўзбекистон Республикасининг «Расмий статистика тўғрисида»ги қонуни ишлаб чиқилиб, яқинда Олий Мажлис Сенати томонидан маъқуллангани соҳа ривожидан янги даврни бошлаши, шубҳасиз.

Соҳа қонунчилигида Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 16 мартда қабул қилинган «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонуни ҳам муҳим аҳамият касб этади ва мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш ва унинг тизимли амалга оширилишини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий пойдеворини яратади.

Ушбу мамлакат ҳаётидаги муҳим тадбирни юқори сифатда ўтказиш юзасидан барча зарур тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Мунтазам равишда республика миқёсида аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Тадбирга доир видеороликлар, мақола-лар ва учрашувлар аҳолининг кенг қатламида бу борадаги саводхонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Асосий тадбир 2023 йилга белгиланган, шу билан бирга 2021 йилда Андижон вилоятининг Хўжабод тумани, Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ тумани, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ва Тошкент шаҳрининг Яшнободтуманида синов тарикасида ялпи аҳолини рўйхатга олиш ўтказилиши режалаштирилган.

Умуман олганда мазкур тадбирни ўтказиш якунида мамлакатимизда аҳоли ва унинг турмуш тарзига доир муҳим социал кўрсаткичларни аниқлаб олиш имкониятига эга бўлинади.

Яна бир муҳим ҳужжат бу – «2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси» бўлиб, Стратегия доирасида ташки-

лий-ҳуқуқий ва статистик инфратузилмани такомиллаштириш, фойдаланувчилар ва етказиб берувчилар ўртасида самарали мулоқот ўрнатиш, ахборот-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, алоҳида статистик йўналишлар, тармоқ ва ҳудудлар статистикасини такомиллаштириш ҳамда тизимда кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари муҳим йўналишлар сифатида белгиланган. Уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича 86 банддан иборат «Йўл харитаси» тасдиқланган.

Соҳани ислоҳ қилишда статистик методологияни халқаро андозаларга мослаштириш масаласига ҳам жиддий ёндашилмоқда. Хусусан, бугунги кунда умумий ҳисобда 200 дан зиёд статистик услубиётлар мавжуд бўлиб, шулардан 111 таси сўнгги тўрт йилда, шу жумладан, 8 таси 2021 йилнинг ўтган даврида янгидан қабул қилиниб, амалиётга жорий этилди. Бундан ташқари сўнгги тўрт йилда 26 та, 2021 йилнинг ўтган даврида эса 4 та статистик услубиёт такомиллаштирилди.

Инфляция даражасини ҳисоблаш ва мониторингини юритиш борасидаги ишларни халқаро андозаларга мослаштириш мақсадида янги методика ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. 2018 йилдан бошлаб инфляцияни баҳолаш ишлари БМТ Статистика бўлими ва Халқаро валюта жамғармаси тавсиялари асосида ўзгармас вазнларда амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Ҳар қандай тизимнинг фаолият самарадорлиги бевосита унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари қай даражада мукамаллигига боғлиқ бўлади

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тавсия этилган «Миллий ҳисоблар тизими-2008» талабларини амалиётга тўлиқ жорий этиш, шунингдек, мамлакат ялпи ички маҳсулоти кўрсаткичларида яширин иқ-

...бугунги кунда умумий ҳисобда 200 дан зиёд статистик услубиётлар мавжуд бўлиб, шулардан 111 таси сўнгги тўрт йилда, шу жумладан, 8 таси 2021 йилнинг ўтган даврида янгидан қабул қилиниб, амалиётга жорий этилди

тисодиёт ҳажмларини қамраб олиш юзасидан «Йўл харитаси» ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич тегишли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Очиқлик ва шаффофлик тамоийилларига риоя этиш – буйўналишда ҳам айниқса, сўнгги тўрт йил туб бурилиш даври сифатида таърифланади. Жумладан, одатий жадвал кўринишида тақдим этиладиган статистик маълумотлардан ташқари пресс-релизлар кўринишида таҳлилий-статистик маълумотларни тайёрлаш ва тарқатиш амалиёти жорий этилди. Халқаро андозалар ва илғор хорижий тажрибаларни чуқур ўрганган ҳолда чоп этиладиган статистик нашрлар сифат ва ҳажм жиҳатидан буткул янгиланди.

2019 йилдан бошлаб илк бор республиканинг барча туман ва шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати тўғрисидаги ах-

ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта жамғармасининг «кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими»га уланганлигидир. Унинг доирасида маълумотларни фойдаланувчиларга етказишни тизимлаштириш ва қулайлик яратиш мақсадида «Илғор маълумотлар миллий саҳифаси» ишга туширилиб, унда 24 категория бўйича 422 та индикаторлар тўплами мунтазам эълон қилиб борилади ва бу мамлакатнинг халқаро даражада нуфузини оширишга, унинг иқтисодий куч-қудратини намоён этишга ва инвестицион оқимларни жадаллаштиришга хизмат қилади.

Халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви масаласи ҳам эътибор марказида бўлиб, бугунги кунда 16 та халқаро ташкилотнинг (БМТ Статистика бўлими, МДХ Статистика қўмитаси, БМТ Европа иқтисодий комиссияси, БМТ Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, ЮНФПА, ЮНЕСКО, ФАО, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқалар) статистика бўлимлари томонидан ишлаб чиқилган 45 турдаги саволномаси асосида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир муҳим статистик кўрсаткичлар етказиб берилмоқда.

Қайд этиш керакки, бугун ҳар қандай соҳа тараққиётини замонавий ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Худди шундай, статистика соҳасида амалга оширилаётган ислохотларда фаолиятга илғор АКТни жорий этиш, статистик жараёнларни автоматлаштириш ва рақамлаштириш ишлари жадаллаштирилмоқда.

«Очиқ давлат маълумотлари индекси» бўйича Ўзбекистон энг юқори кўрсаткичга эга бўлган жаҳоннинг 41 мамлакати орасидан жой олди

Мисол учун, танланма статистик кузатувларни планшет қурилмалардан фойдаланган ҳолда ўтказиш учун 12 та ахборот тизими ишлаб чиқилди ва Интеллектуал мулк агентлигидан рўйхатдан ўтказилди. Лойиҳа доирасида бозор нархи, хизматлар, транспорт, sanoat, қишлоқ хўжалиги ва савдо соҳасидаги барча кузатув маълумотларини мобиль қурилмалар (планшетлар) ёрдамида тўплаш ва қайта ишлаш шакллантирилди.

Статистик ҳисоботларни Интернет орқали тақдим қилишга мўлжалланган eStat 4.0 ахборот тизими ишга туширилди. Мазкур ахборот тизимида ҳисоботларнинг онлайн мантиқий назорат механизми жорий этилди ва ҳисоботларни шакллантириш ва юборишга кетадиган вақт 10 баробар қисқарди.

Статистик маълумотларни фойдаланувчиларга тезкор ва қулай шаклда тақдим этиш мақсадида Давлат статистика қўмитасининг stat.uz расмий веб-сайти Осиё Тараққиёт банки билан ҳамкорликда янгидан ишлаб чиқилди ва ишга туширилди.

Бу сингари ютуқ ва натижалар, мақоламиз бошида таъкидлаганимиздек, халқаро статистика ҳамжамияти ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётгани эса диққатга сазовор. Бунинг исботи сифатида Лондондаги Очиқ маълумотлар институти баҳолаш тизими бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти (stat.uz) энг юқори – «Платина» даражага эришганини келтириш мумкин. Бундан ташқари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Электрон ҳукумат кузатуви 2020»да «Очиқ давлат маълумотлари индекси» бўйича Ўзбекистон энг юқори

кўрсаткичга эга бўлган жаҳоннинг 41 мамлакати орасидан жой олди. Мамлакатлар статистика идораларининг фаолиятини халқаро даражада баҳолаш бўйича яна бир муҳим рейтингда, яъни Жаҳон банкининг «Статистика салоҳияти индекси»да ҳам мамлакатимиз кўрсаткичлари ўсиб бораётгани қувонарли.

Шу билан бирга миллий статистика тизимини даврга ҳамоҳанг равишда ривожлантириб бориш зарурати яқин истиқболда айрим долзарб вазифаларни рўёбга чиқаришни тақозо қилади. Жумладан:

- тизим фаолиятига сифатни бошқаришнинг илғор тизимларини (GSIM, GSBPM, GAMSО ва NQAF) тўлиқ жорий этиш;
- БМТ, халқаро статистика ташкилотлари тавсиялари ва илғор хорижий тажрибалар асосида статистика соҳасидаги услубиётни мунтазам такомиллаштириб бориш;

Статистик ҳисоботларни Интернет орқали тақдим қилишга мўлжалланган eStat 4.0 ахборот тизими ишга туширилди

• 2021 йилда 4 та ҳудудда синов тариқасида ҳамда 2023 йилда республика бўйича ялпи аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш;

• қишлоқ хўжалигини ва бизнесни рўйхатга олиш тадбирларининг ҳуқуқий асосларини яратиш, пухта тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва натижаларини эълон қилиш;

• халқаро таққослашлар дастури доирасида миллий валютанинг харид қобилияти паритетини аниқлаш ва эълон қилиш;

• Халқаро валюта жамғармасининг кенгайтирилган «Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими»дан «Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандарти»га ўтиш;

• 2021 йил якунига қадар мультииндикатор кластер кузатувлари ўтказиш ва уларнинг натижаларини қўмитанинг расмий сайти ва ЮНИСЕФнинг ахборот базасида эълон қилиш;

• «Очиқ маълумотлар миллий портали»нинг энг сўнгги жаҳон андозалари ва талабларига мос келувчи янги кўринишини ишга тушириш ҳамда фойдаланувчилар эҳтиёжларини тўлиқ таъминловчи юқори сифатли маълумот тўпламлари билан тўлдириш;

• бугунги кун талабларига жавоб берадиган медиа-марказни ишга тушириш;

• «Статистика» интеграллашган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш орқали давлат бошқаруви органларининг ахборот тизимларини босқичма-босқич интеграциялаш;

• Жаҳон банкининг «Статистика салоҳияти индекси»даги Ўзбекистон Республикаси кўрсаткичларини босқичма-босқич яхшилаб бориш.

Бу каби тадбирлар ижроси мамлакатимизда замонавий талаблар ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, энг илғор миллий статистика тизимини шакллантиришга, халқаро рейтинг ва индексларда кўрсаткичларимиз ва шу асосда тузиладиган позицияларимизнинг янада юқорилашига замин яратади.